

даниятига эғалик; шахснинг ўзини ҳамisha энг кучли мутахассис бўлишига ишониши асосида ўз фаолиятига лойиҳавий ёндашиш; ҳамдардлик қобилиятига эғалик; атрофдагиларга хизмат қилишда ҳождарининг тўғрилигига чуқур ишониш ва оптимистик руҳга эғалик; ностандарт вазиятларни еча олиш қобилиятига эғалик; юқори даражада ўзини ўзи бошқара олиш [4].

Мазкур фикрлардан ҳам англонадики, муаллифларнинг деярли барчаси турли соҳаларда фаолият юритадиган мутахассисларга хос ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга ҳаракат қилишган. Маълумки, мутахассислар касбий фаолият, уни ташкил этишга ёндашув, касбий фаолият жараёнига муносабат нуктаи назардан умумий сифатларга эга бўлиш билан бирга ўзига хос фазилатларга эғаликни ҳам намён қилади. Ушбу фикрни педагогика ОТМ, хусусан, тарих факультетининг талабаларига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Одатда ушбу факультет талабалари мантикий тафаккур, чуқур таҳлил қила олиш, ўзаро қиёсий ўрганиш, тарихий воқеликларнинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги мантикий бирлиكنи топишга интилиш каби қобилиятларга эга бўлади. Шу сабабли уларнинг шахсида, биринчидан, бўлажак тарих фани ўқитувчиси сифатида педагогик касбий компетентлик, иккинчидан, бевосита ижтимоий, фалфасий, тарихий, ҳуқуқий билимлар эғаси сифатида шахсий компетентлик сифатлари акс этади. Бунда уларнинг ҳам педагогик, ҳам ҳам тарихий-ижтимоий, ҳуқуқий билимларни бирдек ўзлаштириш имкониятига эғаликлари қутилган мақсадга эришиш имкониятини таъминлайди.

Айни ўринда ҳуқуқий компетентлик неғизда намён бўладиган сифатлар тўғрисидаги қарашларни ойдинлаштириш мақсадга мувофиқдир. Гарчи Е.И.Климов, О.Р.Чудиновлар ўз илмий изланишларида мутахассисларга хос умумий касбий компетентлик сифатларини кўрсатиб ўтишган бўлишса, В.Н.Стегни, Л.Н.Курбатовалар бевосита ҳуқуқий компетентлик неғизда акс этадиган сифатларни аниқлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Уларнинг фикрига кўра ўз фаолияти доирасида ҳуқуқий билимларга эғалик; ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйиладиган халқаро стандарт, талабларни билиш; меъёрий ҳужжатларни, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ва шу асосида пухта ўйланган, малакали бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш; мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш, давлат ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорлик қилиш, фуқаролик мажбуриятларини бажаришнинг аҳамиятини тушуниш, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш, ўзининг фуқаролик позициясини ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш [4]. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, В.Н.Стегни, Л.Н.Курбатовалар томонидан ҳуқуқий компетентлик сифатлари бевосита инженерлар мисолида

тизимлаштирилган. Буни “ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйиладиган халқаро стандарт, талабларни билиш”дан ҳам англаш мумкин. Бинобарин, инженерлар техник жиҳозлар, қурилма ва механизмларни ишлаб чиқаришда уларнинг халқаро стандарт, меъёр ва талабларга мувофиқ қилишини инобатга олишлари зарур.

Бизнинг фикримизча, “компетентлик” тушунчаси мазмуни ёритишга уринган муаллифлар ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга ёндашишда умумий ҳолда муайян хатога йўл қўйган. Яъни, тил хусусиятларига кўра “сифат” тушунчаси нарса, буюм, предмет, воқеа ҳодиса, шахсга хос белги, хусусиятлари ифодалаб, қандай, қанақа каби саволларга жавоб беради, кўп ҳолатларда “лик” (масалан, ташкилотчилик, ташаббускорлик, фидоийлик) қўшимчаси билан ифодаланади. Муаллифлар эса ҳуқуқий компетентлик сифатлари дея феъл характеридаги тушунчаларни келтиради. Хусусан, халқаро стандарт, талабларни билиш, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш, ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйиладиган халқаро стандарт, талабларни билиш ва ҳ.к. Тилшунослик нуктаи назардан улар нима қилмоқ, нима қилади каби саволларга жавоб тарзида қайд этилади. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш даврида педагогика ОТМнинг тарих факультети талабалари мисолида ҳуқуқий компетентлик сифатларини тизимлаштиришга, бу борадаги нотўғри ёндашувни бартараф этишга қаратилади.

Ҳуқуқий компетентлик, унинг ўзига хослигига оид фикрларни ёритган адабиётларни ўрганиш, назарий таҳлил қилиш асосида унга хос сифатлар қуйидагилардир, деган ҳулосага келинди: ҳуқуқий онглилик (когнитивлик), ҳуқуқий эҳтиёж, мотивация, кўникма, малака, позиция, маданият, эрудиция ва эмпатияга эғалик; ҳуқуқий жавобгарлик; ҳуқуқий масъулиятга эғалик; ҳуқуқий фаоллик; ҳуқуқий таҳлил қобилиятига эғалик. Мазкур сифатларни талабаларнинг фаолияти мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) ҳуқуқий билим; 2) ҳуқуқий фаолият; 3) ҳуқуқий муносабат; 4) ҳуқуқий позиция.

Шундай қилиб, ҳуқуқий компетентлик мутахассисга хос сифат саналади. Ушбу сифат неғизда мутахассиснинг назарий ҳамда амалий ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат, муносабатларга нисбатан ўз муносабатини билдириш (бахосини бериш), ҳуқуқий муносабатлар жараёнида ўз позициясини ҳимоя қилиш қабилар намён бўлади. Улар умумий ҳолда ҳуқуқий компетентлик сифатлари тарзида намён бўлади. Педагогика ОТМда ташкил этиладиган таълим жараёнида талабаларда ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантиришда катта имкониятларга эга.

Адабиётлар

1. Елисеева Л.М. Исследовательская компетентность педагога в организации научно-исследовательской работы среди студентов. // Формирование компетенций в практике преподавания общих и специальных дисциплин в учреждениях среднего профессионального образования. – Екатеринбург: 2011. – С. 91.
2. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентного подхода в образовании. // <http://metod.ru/asp/article/download.asp?id=3>.
3. Мазуренко А.В. Педагогические условия становления и развития социальных качеств студенческой молодежи в культурно-образовательной среде вуза: дис...канд.пед.наук. – Ростов на Дону: 2006. – С. 86.
4. Чудинов О.Р. К понятию «правовая компетентность инженера»file.pdf. http://vestnik.pstu.ru/get/_res/fs/file.pdf/1490.
5. Шевченко Л.И. Компетентностный подход как основа современной образовательной деятельности. // Формирование компетенций в практике преподавания общих и специальных дисциплин в учреждениях среднего профессионального образования. Сборник науч.статей. – Екатеринбург: 2011. – С. 248.

Мақолада ҳуқуқий компетентлик сифатлари аниқланиб, тизимлаштирилади. Алоҳида эътибор талабаларда ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, омиллари ва йўллари аниқлашга қаратилади. Шунингдек, ОТМнинг талабаларда уларнинг ҳуқуқий компетентлик сифатларини ривожлантиришдаги ўрни ва роли очиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В статье определены и систематизированы качества правовой компетентности. Особое внимание уделяется определению своеобразных аспектов, факторов и путей развития качеств правовой компетентности у студентов. А также, раскрываются участие и роль вузов в развитии качеств правовой компетентности у студентов.

SUMMARY

In the article the peculiarities of legal competence are determined and systematized. Particular attention is given to the determining distinctive aspects, factors and ways of developing the peculiarities of legal competence in students. The author of the article shows the participation and role of higher educational institutions in developing the peculiarities of legal competence of students.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УНДА РЕГИОНЛАРНИНГ РОЛИ

А.Умарова – ассистент ўқитувчи

Е.К.Умаров – география фанлари доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: рақобат, глобализация, концентрация, интеграция, либераллаштириш, интеллектуал ресурс, инновация, геоиқтисодий макон, бозор, валюта, лицензия, ЯИМ, транснациональная корпорация, холат, спекуляция, экспансия, «яширин иқтисодиёт», минтақа, экотуризм.

Ключевые слова: конкуренция, глобализация, концентрация, интеграция, либерализация, интеллектуальный ресурс, инновация, гео-экономическое пространство, рынок, валюта, лицензия, ВВП, транснациональная корпорация, ситуация, спекуляция, экспансия, «теневая экономика», регион, экотуризм.

Key words: competition, globalization, concentration, integration, liberalization, intellectual resource, innovation, geo-economic space, market, currency, license, GDP, transnational corporation, situation, speculation, expansion, "shadow economy", region, ecotourism.

Ушбу вазиятда XX асрнинг охирида жаҳон глобал иқтисодиётида юқори ривожланган «еттилик» давлатлар


гуруҳи, кейинчалик «саккизлик» деган тушунчалар шаклланди ва ҳозирги даврда иқтисодий жараёнлар

жаҳоннинг айрим мамлакатлари ва унинг регионларининг роли кучаймоқда. Иқтисодий рақобат марказлари сифатида Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиё давлатлари етакчи ўринларни эгалламоқда. Шундай қилиб, жаҳон бўйича туташган геоиқтисодий маконнинг пайдо бўлиши ва дунё бўйлаб Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) орқали очиқ миллий иқтисодий сиёсатга ўтиши глобаллашув жараёнини кучайтирди ва рақобатлашувга нисбатан глобал масштабдаги муаммолар кескинлашмоқда.

Янгидан ташкил топган геоиқтисодий маконда жаҳон халқлари ўзларининг куч-қудрати ва иш қобилиятини кўрсатмоқда, чунки дунё аҳолиси ХХІ асрга катта иқтисодий салоҳият билан қадам босди. Бу регионал нуктаи назардан барча жаҳон давлатларида давримизнинг таянч кучи инновацион ишчанликка бевосита боғлиқлиги иқтисодиёт соҳаларида далилланмоқда.

Глобаллашув даврида ташкил топган геоиқтисодий маконда жаҳон давлатларининг савдо-сотиқ айланмаси ортмоқда, жумладан, биринчи ўнбешлик (Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Япония, Германия, Россия, Бразилия, Индонезия, Франция, Буюк Британия, Мексика, Италия, Жанубий Корея Республикаси, Саудия Арабистони, Канада) гуруҳига қирадиган давлатларнинг улуши ортмоқда бу бизнинг давримизда ундирилган барча ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (107,9 триллион доллар) 69,1 фоизини ташкил этади. Жаҳоннинг қолган давлатлари еса фақат 30,9% ни ундиради ҳалос [1]. Энг қизиқарли томони, ушбу тайёрланган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 94% и кейинги 104 йил ичида ишлаб чиқилган [2]. Кўриб турганимиздек, жаҳон давлатларининг ўсиш суръати ва қолоқ давлатлар орасида ҳам катта фарқ сақланмоқда. Уларнинг буюк давлатлар сингари юқори поғонага чиқиши ва қувватли иқтисодий имкониятларни эгаллаши мураккаблашмоқда.

Дарҳақиқат, жаҳон давлатлари орасида иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва ўзаро савдо-сотиқ алоқаларининг ортишига боғлиқ, дунё юзида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўпаймоқда. Лекин, унинг ҳажми барча дунё давлатларида бир хил эмас. Масалан Хитой Ҳалқ Республикасида ишлаб чиқилган ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми 17трл. 617млрд.долларни ташкил этса бу курсаткич АҚШ да 17 триллион 419 миллиард долларни ташкил этади, Арманистон эса йилга ҳаммаси бўлиб 24,3 миллиард долларни ташкил этса, Қирғизистон ҳаммаси бўлиб 19,2 миллиард доллар ҳажмда ялпи ҳудудий маҳсулот етиштиради, ҳолос. Буни расмлардан ҳам кўриши мумкин (1-расм).



1-расм. Жаҳоннинг айрим давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми.

Жаҳон мамлакатларининг, айниқса, ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш соҳаларида катта имкониятларни эгаллаши глобал иқтисодиётнинг шаклланишига ва интеграцион муносабатларнинг кучайишига, гуруҳлаш давлатларининг иқтисодий таркибининг пайдо бўлиши ва улар орасида савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланишига шароит яратмоқда. Аналитикларнинг маълумотларига кўра, жаҳон давлатларида бизнинг эрамизнинг бошланган даврида жаҳон миқёсида 3-4 тонна ёнилғи энергетика маҳсулотлари сарф этилса, бизнинг давримизга келиб ушбу кўрсаткич 10-11 тоннани ташкил этмоқда, келгусида эса унинг ҳажми 13 триллион тоннага ортиши мумкин.

Ишлаб чиқариш соҳаларида ёнилғи энергетик маҳсулотларининг ортиши биринчидан: жаҳон ресурс манбаларидан оқилона фойдаланишни талаб этса, иккинчидан: ресурс заҳираларини асраб сақлаш ва унинг ҳажмини кўпайтиришни талаб этади. Шунга кўра Профессор Р. Ольчанов ва бошқаларнинг маълумотларига кўра жаҳоннинг 169 давлатида 3,4 триллион доллар ҳажмида пул ажратилиб, 11,7 миллиард тоннадан ортик ёнилғи энергетик маҳсулотлар сарфланмоқда [3]. Натижада,

меҳнатнинг халқаро масштабда географик бўлинишга мос жаҳон глобал иқтисодини ташкил этадиган миллий хўжалик бир-бири билан халқаро иқтисодий алоқалар туфайли чамбарчас туташиб, ташки савдо, халқаро молиявий тизимни пайдо қилди. Давлатлар аро дастлабки иқтисодий алоқалар ташки савдо орқали боғланиб, айрим давлатларни иқтисодий соҳада индустриал йўналишга ўтишга мос ташки савдонинг аҳамияти кучайди. Аммо сўнгги йилларда дунёнинг кўпчилиқ ҳудудларида континентлараро миллий уюшмаларнинг пайдо бўлиши ҳам иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши туфайли янги таркиблар ва алоқа турлари шаклланмоқда. Жаҳон иқтисодий алоқаларида ташки савдонинг роли кучайиб бормоқда.

Маълумки, ХХ асрнинг бошларига келиб, халқаро савдо сотиқ алоқаларида катта бурилиш бўлди. Юнеско маълумотларига кўра Европа мамлакатларининг ташки савдо бўйича ҳиссаси 50 % ни ташкил қилса, Шимолий Американинг халқаро савдосидаги нисбий улуши 20 %, Жанубий шарқий Осиёнинг улуши эса 28-30% баробар бўлди.

Ташки савдо айланмасида ривожланган давлатлар (АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Канада, Ҳиндистон, Германия, Франция, Буюк Британия, Бразилия ва ҳ.к) етакчи ўринларни эгаллайди.

Бизнинг давримизга келиб, халқаро ташки иқтисодий савдода (кредитга) маблағ ишлатиш орқали иқтисодий алоқалар тузиш, ишчи кучини алмаштириш орқали алоқа ўрнатиш, халқаро туризм соҳаларини ривожлантириш, ҳамда мамлакатлар орасида фан ва техника ингиликларидан фойдаланиш орқали иқтисодий алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо халқаро ташки савдонинг юқори суръатда ўсишига қарамасдан айрим давлатларнинг миллий иқтисодиётини тез суръатлар билан ўсиши туфайли ташки товар айланмасида тўпланиш жараёни ёки концентрация ҳаракатлари ҳам деярли юқори.

Халқаро савдо алоқасида инновацион технологияга асосланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми ҳам ошмоқда. ЮНЕСКО ташкилотининг маълумотларига кўра АҚШ 2005 йилдан бошлаб дунё бозорида 149 миллиард доллар ҳажмда олди берди савдосини амалга оширган бўлса, Хитой янги инновацион технология ва арзон ишчи кучига асосланиб 180 миллиард доллар ҳажмда савдо сотиқ операциясини амалга ошириб, жаҳон савдо бозорида етакчи ўринни эгалламоқда. Бу халқаро савдо иқтисодий алоқаларида рақобатдош ўринларни келтириб чиқармоқда.

XX асрнинг охирига келиб жаҳон иқтисодиётининг таркибида шаклланган йирик ишлаб чиқариш корпорациялари қудратли континентлар-аро жойлашишига эга бўлиб, улар ўз таркибига қирадиган фирмалар ва иқтисодий ташкилотлар ҳисобидан кенгаймоқда. Жаҳон ҳамжамятида иқтисодий рақобатда АҚШ, Европа давлатлари сингари жанубий ва жанубий-шарқий Осиёнинг жаҳон бўйича ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотлари роли ҳам ортмоқда [4]. Бу жаҳон иқтисодида ўрин эгаллаган янги интилишлар натижасида жаҳон глобал иқтисодиётининг 3 маркази - Европа, Жануби-шарқий Осиё ва Шимолий Американинг шаклланишига олиб келди. Халқаро савдо сотиқ бозорида юз берган рақобат ва иқтисодий соҳадаги диспропорциялар жаҳон глобал иқтисодида Осиёнинг ролининг кучайишига ва янги марказларнинг пайдо бўлишига имкон яратмоқда. Масалан, Осиё йил сайин жаҳон бозорига чиқариладиган телевизорларнинг 67 % ни, аудио ва видео маҳсулотларининг 90 %, мобил телефон аппаратларининг 70 %, мотоциклларнинг 90 %ни ишлаб чиқарса, Хитой Европа бозорига арзон нархдаги пойабзаллар чиқариб, Италия ва бошқа давлатлар билан рақобатни кучайтириб, Европанинг 900 минг ишчи ишлайдиган пойабзал саноатини кризис муаммосига дуч келтирмоқда [5]. Кўриб турганимиздек, ривожланган давлатлар орасида янги бозор эгаллаш ва босиб олишга интилишда шиддатли рақобат кучаймоқда.

Шундай шароитда жаҳон мамлакатлари ва айрим ҳудудлар орасидаги конкуренциялар йиллар давомида кун сайин ривожланиб, уларнинг халқаро бозорни эгаллаш ёки доллар билан евро, ёки йен билан юан орасидаги тенг ҳажмини ўзгартириш бўйича ҳаракати халқаро молия тизимидаги кризиснинг сабабчиси деб ҳам ҳулоса чиқариш мумкин. Мана шундай ҳолатда дунё халқлари, айниқса демократик ривожланиш йўлини танлаб жаҳон савдо бозорига чиқиш чораларини ишлаётган давлатлар, шунингдек регионлар иқтисодий сиёсат ва ишончли савдо – сотиқ алоқаларга эга бўлиши лозим.

Халқаро иқтисодий алоқалар таркибида халқаро валюта муносабатлари етакчи рол ўйнайди. Валюта ёки пул

қўлланиши даражасига қараб, бир давлатнинг миллий чегарасидан ташқарига чиқарилса, у янги сифатга эга бўлиб, валютага айланади. Шундан фойдаланиш функциясига қараб валютани миллий, халқаро, ҳудудий ва резервли валюталар деб бўлинади. Миллий валюта ҳар бир давлатга тегишли олтин, кумуш, ва қозғол пуллар кўринишида қўлланилади. Халқаро валюта бўлса, 1968- йиллардан шакллана бошланди ва халқаро валюта илдизининг пайдо бўлишига асос бўлди. Шундай қилиб, халқаро валюта таркибида АҚШ доллари 42%, Япония нени 13%, Евро валюта 43% ни ташкил қилади, яқин келажакда Халқаро валюта айланмасида Хитой юанининг роли ортиши кутилмоқда. Халқаро иқтисодий алоқада резервлик валютанинг роли ҳам юқори. Унинг бош функциясига миллий валюта илдизини сақлаш, ҳудудий ва халқаро товар савдоси нарҳини ҳимоялаш ва ҳ.к. киради.

Халқаро иқтисодий алоқалар жуда йирик банк системалари ва электрон савдо марказлари (NasDAK) орқали амалга оширилади. Электрон савдо маркази бизнес операциясини Интернет орқали ишга ошириб аналитикларнинг баҳолашига кўра “Янги иқтисодиёт” соҳасида энг етакчи қушга айланмоқда. Бу марказ Интернет орқали кўчмас мулк, айниқса турар жой сферасида юқори даражада бизнес операциясини амалга оширади. Йирик капиталга эга инвесторлар кўчмас мулк сферасида 4,9 триллион доллар ҳажмдаги бойликни ўз қўлларига жамлаб, улар чайқовчилик ҳаракатлар орқали турар жой бозорини эгалламоқда ва халқаро савдо-сотикни ўз манфатлари учун фойдалана бошлади. Жаҳонда турар-жой бозорида нарҳларнинг ошишида ипотека тизимининг ҳам айби бор.

Европа ипотека федерациясининг маълумотларига кўра айрим жаҳон давлатлари ягона миқозларнинг шу ташкилотнинг банк системасидан олган қарз пуллари 5,74 триллион долларни ташкил этган [6].

Шундай шароитда ипотека ташкилоти берилган кредит пулларини ўз вақтида қайтара олмай катта инқироз муаммоларини бошидан кечирди. Бу айрим давлатлар экспертлари ва мутахассислари таъкидлаганидек, фақат «ипотека» банклари хатоси эмас, балки йирик ривожланган давлатларнинг ташкилий системасининг ҳам хатосидир. Шу боис ипотека банк системасида ташкилий масалаларини кучайтириш кризис шароитини юмшатишга ва қайта тақорланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Барчага маълумки юз берган инқироз талқини дастлабки пайтлари ўтган асрнинг 30-йиллардаги буюк депрессиядан ҳам кучлироқ бўлиб, у ривожланган барча давлатларни, асосан Европа ва АҚШ молиявий соҳаларини тўла қамраб олди. Маълумотларга кўра Европа давлатлари молиявий тизими инқироз натижасида 1,4 триллион долларлар ҳажмда зарар кўрган бўлса, Америка Қўшма Штатларида иш юритаётган молиявий ташкилотлар 3,5 триллион долларлардан ортик акцияларидан маҳрум бўлган. Бундан кўриниб турибдики, кейинги юз йил мобайнида шаклланган жаҳон молиявий соҳалари бизнинг кўз олдимизда катта инқирозни бошдан кечирмоқда. Бу муаммони Ўзбекистонда бартараф этиш ва унинг айрим иқтисодий соҳаларга

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган чора тадбирлар асосида жаҳон молиявий инқирози салбий таъсирдан сақлаб қола олди. Буни кейинги йиллардаги иқтисодиёт соҳаларидаги ютуқларимиз ва жаҳоннинг йирик давлатлари томонидан берилган ижобий фикрлар тўла-тўқис тасдиқлайди.

Халқаро иқтисодий алоқаларда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг (ТТИ) аҳамияти катта. Сабаби, бу инвестицияларнинг асосчиси йирик миллий ташкилотлар (масалан, “Роял датч”, “Шелл”, “Эксон”, “Дженерал моторс”, “Хитаи”) орқали бошқарилиб, уларнинг ҳар бирида 30 миллиард доллардан (Хитой, Япония) 69 миллиард долларгача (Роял датч, Буюк Британия) маблағга эга. Шундай қилиб, жаҳоннинг айрим давлатлари инвестициялар ёрдамида ишлаб чиқариш марказларини очиб, ер ости бойликларини биргаликда излаш ва фойдаланишга тайёрлаш, бирлашган ҳолда қўшма ишлаб чиқариш марказларини очиб ва ҳ.к. ишлар амалга оширилади. Ҳозирги даврда халқаро молия бозорларига инвестиция чиқаришда (АҚШ еттинчи ўринни эгаллаб, унинг улуши жаҳон бўйича амалга оширилаётган 2 триллион доллар) ҳажмдаги инвестицияларнинг бу жаҳон бўйича сарф этиладиган инвестицияларнинг ¼ ини ташкил этади. Халқаро иқтисодий алоқаларда инвестиция ишлаб чиқаришда Европа, айниқса, Лондоннинг аҳамияти юқори. Агар ЮНЕСКО маълумотларига назар ташласак Европа бўйича экспортга чиқарадиган инвестиция ҳажми 100% деб олсак, шундан 20% Лондонга тегишли [7]. Бундай кўрсаткичларга дунё давлатларидан АҚШ ва Япониягина тенг келиши мумкин. Шунинг билан бир қаторда ички оффшорли ҳудудлар ичида (Токио, Нью-Йорк), Сингапур, Сянган ва Кариб денгизи ҳудудидаги Багам, Кайман ороллариининг роли катта аҳамиятга эга.

Халқаро иқтисодий алоқаларда айниқса туризм соҳасининг роли ортмоқда. Бу соҳа биринчидан халқаро масштабда дўстона муносабатларни кучайтириб, дунё юзида тинчликни сақлаш ва доимий иқтисодий ривожланишнинг пайдо этса, иккинчидан, катта ҳажмдаги бойлик тўплашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Агар ҳозирги кунда Дунёда йилига 107,9 триллион доллар ҳажмда ЯҲМ тўпланса, шунинг 1/10 қисми халқаро туризмга тегишли. Чет эл туристларини қабул қилиш бўйича биринчилікни Европа эгаллаб, унинг ҳиссаси дунё юзи туристларининг 60% га тўғри келади.

Қолган чет эллик туристларнинг 20 % Америкага, 10 % Осиё давлатларига тегишлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ишончли рақобатдош алоқалар дунё юзи глобал иқтисодиётида етакчиларининг алмашиувига, жаҳон савдо-сотик бозорини либерализациялаш орқали ривожланган давлатлар орасидаги ўзаро ишонч шартномаларини кучайтиришга ва жаҳон ҳўжалигини интеграциялаш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнида инновацион технологияларини узлуксиз фойдаланиш халқаро иқтисодий муносабатларда янги боёқларни қўлга киритишга имкон яратиши сўзсиз.

Адабиётлар

1. БМТ XXI аср бўсағасида . 2004 йилги БМТ томонидан ташкил этилган 1000 йиллик юбилей сессияси маълумотлари. -Нью Йорк, 2004.
2. Иккинчи жаҳон уруши тугагининг 70 йиллигига бағишланган БМТ нинг маълумотлари. –Париж, 2015.
3. Умаров Е.К. Умарова А. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш хусусиятлари, диспропорциялар ва кризис ситуациялари. ҚДҲ кичик типографияси. –Нукус, 2014, 106-б.
4. БМТнинг Европа давлатларида жойлашган ЮНЕСКО ташкилотларининг материаллари. Интеллектуал ресурс, иқтисодий ўсиш жихатидан миллатнинг ўчмас айланма тошидир.
5. Иқтисодий жихатидан, интеллектуал ресурс миллатнинг ўчмас айланма тошидир // «Бойтерек» журналі, №5 (32), 2009.
6. БМТнинг Европада жойлашган давлатларининг маълумотлари. –Париж:2008.
7. Умаров Е.К., Умарова А. Жаҳон иқтисодиёти: - ривожланиш хусусиятлари, диспропорциялар ва инқироз ҳолатлари. –Нукус: “Қорақалпоғистон”, 2010.

РЕЗЮМЕ

Жаҳон ҳўжалигида халқаро иқтисодий алоқаларнинг роли ва унинг амал қилиш механизми, шунингдек, асосий йўналишлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилган. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг шаклланишида савдонинг роли ва уни тартибга солиш йўллари, валюта муносабатлари, хизматлар ва лицензиялар алмашиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Жаҳон бозорида кўчмас мулк, айниқса, турар жой қурилиши соҳасидаги бизнес операциялари ўрганилган, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланишида туризм соҳасини, айниқса экотуризмни ташкил этиш тўғрисида сўз юритилган ва халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятининг ўсиши ва унинг юртимизнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини юксалтиришга ижобий таъсири баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности глобализации мировой экономики и обострения конкурентной борьбы между ведущими державами. Для облегчения кризисной ситуации в условиях глобализации указывается целесообразность придерживаться выработанного положения ООН по международному сотрудничеству в контексте развития равноправных торгово-экономических отношений в геоэкономическом пространстве. В целях ускорения экономического роста, рассматриваются примеры стран Юго-восточной Азии, а также Узбекистана в годы Независимости. В заключении, подчёркивается актуальность применения инновационных технологий в экономике, как важного катализатора успехов путём усиления интеграционных процессов в международных отношениях.

SUMMARY

The article is devoted to the study of globalization of world economy and increasing competition among the major world powers. To overcome the crisis in the context of globalization it is necessary to follow the state ments worked out by the UN for international cooperation in the context of the development of trade and economic relations in the geo-economic space. To accelerate economic growth, there are given examples of countries of Southeast Asia, and Uzbekistan for the independent years. In conclusion there is emphasized the relevance of the implementation of innovative technologies into the economy, as an important catalyst for strengthening integration processes in international relations.